



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI БУЙРУҒИ

### Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир



А. Шадманов

Тошкент ш.,  
2020 йил “11” май  
114-сон

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг  
2020 йил 11 майдаги  
114-сон буйруғига  
ИЛОВА

### Мехнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 9-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мехнатга лаёқатсизлик варақаси ёки мехнатга лаёқатсизлик маълумотномаси ўтказиб юборилган кунларга берилмайди. Мазкур йўриқноманинг 14-банди, 15-бандининг биринчи хатбошиси, 25-банди, 37-банди ҳамда 46-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.”.

2. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Мактабгача таълим ташкилотида ёки олти ёшга тўлмаган болага ўрнатилган карантин даврида болага қараш учун ота-онасидан бирига ёки оиланинг бошқа аъзосига карантин белгиланган муддатга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари томонидан мехнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.”.

3. 46 ва 47-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“46. Бажараётган ишининг хусусиятига кўра юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахслар ишдан четлаштирилганда ёки атрофдагилар учун хавфли бўлган юқумли ва паразитар касалликлар билан оғриган беморларга, паразитар касалликлар билан зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан тиббиёт муассасасида карантинга олинган шахсларга мехнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига тегишли даволаш-профилактика муассасаси томонидан берилади.

Юқумли, паразитар касалликлар билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан вақтинчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуада карантинга олинган шахсларга мехнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари эпидемиологи ёки санитар врач томонидан берилади.

Уй шароитида карантинга олинган шахсларга ҳамда карантинга олинган шахсларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга мехнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига уларнинг яшаш жойидаги поликлиника томонидан берилади.

47. Карантин даврида мазкур йўриқноманинг 46-бандида назарда тутилган шахслар томонидан мехнатга лаёқатсизлик варақаси иш берувчига электрон шаклда юборилиши мумкин.”.

4. 54-банддаги “Соғлиқни сақлаш вазирлигининг” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (бундан буён матнда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб юритилади)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.



5. Мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

Молия вазирини

2020 йил "11" май



Т. Ишметов

Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирини

2020 йил "11"



Н. Хусанов